

---

## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

Марғилон шаҳридаги 4-сонли ДМТТнинг иккинчи қаватида жойлашган фойдаланилмай бўш турган бинони жорий таъмирлаш таклифи "Очиқ бюджет" порталига жойлаштирилган эди.

Мазкур таклиф ташкилот жамоаси, маҳалла аҳли ва кўнгиллилар томонидан қўллаб-қувватланиб, ёлиб бўлган лойиҳа учун 1 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Ҳозирги кунда 6 та гуруҳда 180 нафар болажонлар тарбияланаётган мазкур таълим ташкилотининг таъмирдаги биносида қурилиш ва таъмирлаш ишлари жадал суратларда олиб борилмоқда.

Бино тўлиқ таъмирдан чиққанидан сўнг таълим ташкилотида яна 6 та қўшимча гуруҳ ташкил этилиб, 180 нафар мактабгача таълим ёшидаги болажонлар қамраб олинади.

2023-07-31 17:41:34